М. Сулуоров (2006 йил) маълумотиغا кура, таджикотларда ғўза усув даври давомида 5 (1-2 вар0 ва 4 марта (4-5 вар) сугорилди, сугоришга сарфланган сув 90⁰ бурчак Томсон сув улчагичи ёрдамида хисб-китоб килинди. Трактор борган ва юрмаган эгатлардан катор оралатиб сугориладиган вариантларда гектарига 840-980 м³ меъёрида 1-3-1 тизимда 5 марта сугорилган булса, навбатлаб катор алмаштириб сугорилган вариантларда эса 710-760 м³ меъёрида 1-2-1 тизимида 4 марта сугорилганди. Мавсумий сув микдори гектарига 4200 ва 3450 м³ ни ташкил этди, найбатлаб , катор алмаштирилиб сугорилганда гектарига 750 м³ сув кам сарфланганлиги кўзатилди.

М. Сулугов пахта хосили тахлил килинганда, трактор юрган ва юрмаган эгатлардан катор оралатиб сугорилган вариантларда уртача гектарига 29,6-31,0 ц навбатлаб, катор оралатиб сугорилган вариантларда эса 33,1-35,5 ц ни ташкил этди. 1 ц пахта хосили етиштиришга сарфланган сув навбатлаб, катор алмаштириб сугорилган , табакалаб кротовина мосламаси билан ишлов берилган вариантда эса 116,5 м³ дан иборат булди.

Э. Самандаров (2000 йил) маълумотиغا кура, усимликнинг, шу жумладан ғўза илдиз тизимининг тупроқ орасида усиб ривожланишида сув ва хар хил мураккаб озука моддаларни ўзлаштириши мухим ахамиятга эга . Маълумки экин илдиз тизими намлик хужайрада модда алмашинуви жараёнини

таъминлаб , минерал угитларнинг озука моддаларга айланишини тезлаштиради.Шунингдек , усимликнинг ер устки кисми,яъни пояси ва бошка органларининг ривожланишида баргда фотосинтез жараёнларининг кечикишида урни бекиёс.Албатта илдиз тизимининг ривожланишида ернинг унумдорлигига,экин экиш муддатлари ва бошка омилларга хам боглик .усимлик илдиз тизимининг яхши ривожланиши ва шаклланиши хосилдорликни балгилайдиган омиллардан биридирю

Биз Хоразм вохасининг утлоки аллвиал тупроги шароитида ,175-Ф(назорат),Мехнат,Мехр навларининг хар хил сув бериш тартиби-(0-3-1),(1-3-1),да 2 кучат калинлигида (60x15-1,60x 20-1) ва угит бериш микдорида (N-150,P2O5-90, K-70 кг/га ; N-200,P2O5-120, K-100 кг/га; N-250,P2O5-150, K-140 кг/га килиб экилган ғўза навлари илдиз тизимининг усиши ва ривожланишини ургандик.

Изланишларга қараганда, мехнат, мехр навлари 2-3 та чинбарг чиқарганда илдиз тизими назорат навига нисбатан тезроқ усди.175-Ф нави асосий ўқ илдизи 11-12 см ён илдизи 31,0-32,4 см ,Мехнат навида ўқ илдизи 14,1-15,0 ён илдизи 34,6-36,0 см ни мехр нави эса тегишлича 14,0-14,5; 34,5-34,4 см ташкил килди.

Р.Назаров (2002 йил) маълумотига кура,ғўза навлари гунчалаш даврида маъданли угитлар меъёри:азот -150,фосфор-90,калий-70 кг/га берилиб сув бериш тизими 0-3-1 этиб 60x15-1 кучат калинлигига уяга жойдаштирилганда;175-Ф нави асосий ук илдизи 29,2 см,1-ён илдизи 163 см, 2-ён илдизи 67 см Мехнат нави ук илдизи 31,0 см,1-ён илдизи 181 см,2-ён илдизи 185 см,Мехр нави ук илдизи 310 см, 1-ён илдизи 180 см,2-ён илдизи 184 см ни ташкил этди.60ч20-1 кучат калинлигида 175-Ф нави ук илдизи 30,0 см,1-ён илдизи 170 см,2-ён илдизи 173 см,Мехнат нави ук илдизи 32,4 см,1-ён илдизи 186 см 2-ён илдизи 188 см,Мехр нави ук илдизи 31,9 см 1-ён илдизи 184 см,2-ён илдизи 186 смни ташкил килган. 1-3-1 сув бериш тизими

ва 60ч15-1 кучат калинлигида 175-Ф нави ук илдизи 30 см 1-ён илдизи 166см 2-ён илдизи 32,0 см 2-ён илдизи 168 см, Мехнат нави ук илдизи 32,0 см, 1-ён илдизи 185 см, 2-ён илдизи 189 см, Мехр нави ук илдизи 33,1 см, 1-ён илдизи 183 см, 2-ён илдизи 187 см ни ташкил қилган булса ,60x20-1 кучат калинлигида 175-Ф нави ук илдизи 31,0 см, 1-ён илдизи 172 см, 2-ён илдизи 175 см ,Мехнат нави ук илдизи 331 см, 1-ён илдизи 189 см, 2-ён илдизи 192 см, Мехр нави ук илдизи 32,5 см, 1-ён илдизи 186 см ,2-ён илдизи 189 см ни ташкил қилди.

Ш.Нурматов (2004 йил) маълумотига қура ,ғўза гунчалаган вақтда уғит меъёри оширилган вариантларда ҳам Мехнат ,Мехр навлари илдизи тизимининг усиши ва ривожланиши 175-ф ғўза навига нисбатан тезлашган. Ғўза навлари гуллаган давр уччала ғўза навлари илдизи тизимининг ўзунлиги 2 барабарга қупайди. Илдиз тизимининг аниқлаш пайтида навлар орасида энг қуп ва тез ривожлангани азот -250, фосфор-150, калий-140 кг/га қилиб берилганда Мехнат нави биринчи, Мехр нави 2-чи, 175-Ф нави 3-уринни эгаллади. Айниқса , I-II-III тизимдаги илдизлар жадал ривожланди. Бу ғўза навлари ер ости қисмларигина эмас, балки ер усти қисмларининг ҳам тез ривожланганлигини қурсатади.

Ғўза навларининг 6-7 та қусаги очилган даврда гектарига 250 кг азот 150 кг фосфор, 140 кг калий берилган вариантда бошқа вариантларга нисбатан илдиз тизими барча қурсатгичлар буйича юқори булди.

Т.Толипов (2005 йил) тажрибаларига биноан энг аввало собиқ ширкат хужалиқларининг Ё.М.М шахобчалари ва минерал уғит омборхоналари тулигича Ушбу объектлар тегишли булган ташкилотлар балансига утказилиб, таъмирланиб фермер хужалиқлари 1-кунданок хизмат қурсатиши лозим. Ё.М.М. ва минерал уғит таъминоти шахобчалари билан бир вақтда мутаносиб равишда сувдан фойдаланувчилар уюшмаси , муқобил М.Т.П. минибанк ва қолган бошқа агросервис шахобчалари ҳам ўз фаолиятини бошлаши қерак.

Мирзаев (2004 йил) мукобил М.Т.П. томонидан фермер хужаликларига механизация хизматлари янада самарали курсатилишини таъминлаш мақсадида .

М.Оллоёров(2005 йил) Республикамизда фермер хужаликларини устувор ривожлантириш концепцияси амалга оширилаётган ҳозирги даврда муносиб равишда кишлок инфратўзилма субъектлари ҳам ривожлантирилмоқда. Ширкат хужаликлари урнида фермер хужаликларининг ташкил этилиши бир йил ичида галла ҳосилдорлигини уртача 6,4 ц/га пахтанинг эса 5,1 ц/га ошишига олиб келди. Бу жараёнда фермерларнинг ўз ерида эркин меҳнати , шахсий дароматини оширишга булган моддий манфаатдорлиги асосий уринни эгалласада, уларга хизмат курсатувчи бозор инфратўзилма субъектларининг ҳам муносиб хиссаси бор.

И.Саидалиев (2004 йил) П.Ш.Иброхимов ва В.А.Автономовлар (1993 йил) ўз изланишларида кусак вазнининг тола чикимига боғлиқ булмаган ҳолда ирсийланиши ҳамда доминант генлар томонидан бошқарилишини курсатиб утишган. Биз ўз изланишларимиз давомида SSP. Punctatum кенжа тури иштирокида олинган F1 ва F2 усимликларида кимматли хужалик белгилар билан бир каторда кусак вазнининг қай тарзда ирсийланишни ҳам урганиб бордик. Бунда биз чатиштиришга жалб қилган бошлангич ота-она намуналарнинг кусак вазни ярим ёввойи намуналар булиши 08848-4,0г , 08933-4,0г 06964-1,7 г, 05144-3,8 г, 09136-2,0 г ни навлардан эса С-9082 – 3,7 г, Турон-4,1 г Омадда -4,3 г Л-001 тизмада эса 2,7 г ни ташкил этди.

Р.Тожибоев (2002 йил) таҳлиллар шуни курсатадики, тугри ва реципрок ҳолда чатиштириб олинган дурагой бир дона кусакдаги пахтанинг вазни оналик сифатида маданий навлар катнашганда юкори булган.

Н.Исмоилов (2003 йил) бита кусакдаги пахтанинг вазни чатиштиришларда оналик сифатида маданий навлар катнашган дурагой туркумларда унинг

реципрок ҳолатидагига нисбатан бирмунча юкори эканлиги кўзатилди. Жумладан F1(C-4727x08848) дурагойида бита кусакнинг вазни.

Фойдали ҳарорат – ғўзанинг жадал ўсиши ва ривожланишини ҳамда ҳосилнинг шаклланишини таъминлайдиган ҳаво ҳароратидир. Фойдали ҳарорат ўртача суткалик ҳарорат билан мазкур экин учун зарур бўлган биологик минимум ҳарорат ўртасидаги фарққа тенгдир. Ғўзанинг ривожланишини таъминлайдиган биологик минимум ҳарорат-10⁰ ни ташкил этади. Масалан, ҳавонинг ўртача суткалик ҳарорати 25⁰ ни ташкил этганда фойдали ҳарорат (25-10)-15⁰га баробар бўлади. У ниҳолларнинг униб чиқишидан тортиб кўсақлар пишгунга қадар кундалик фойдали ҳарорат йиғиндисидан келиб чиқади.

Ғўза чигити таркибидаги ёғ миқдори жиҳатидан (20-28%) кунгабоқардан сўнг иккинчи ўринда туради. Пахта мойи қимматли озиқ-овқат маҳсулотигина бўлиб қолмай, балки совун тайёрлаш ва лак-бўёқ саноати учун хом-ашё ҳамдир. Уни такрор ишлаш натижасида глицерин, стеорин, суркаш мойи ва бошқа маҳсулотлар олинади.

Пахта маҳсулотидан кимё, электротехника, тиббиёт, қоғоз ва бошқа тармоқларда кенг фойдаланилади.

Пахта хом-ашёсидан қайта ишлаш йўли билан мамлакатимизда ишлатиладиган ва халқаро савдо воситаси сифатида хизмат қиладиган 200 дан зиёд турли хил буюмлар олинади. Шундай қилиб, пахтачилик мамлакатимиз халқ хўжалигининг саноат тармоқлари мажмуини ривожлантириш учун қимматбаҳо хом-ашё манбаи бўлиб хизмат қилади. Пахтачилик умумдавлат балансида ғалла, ёнилғи ва металллар қаторида туради.

Маълумки, пахта асосан толаси учун етиштирилади. Пахта толаси айна пайтда тўқимачилик саноатида, маиший ва техникавий мақсадларда фойдаланиб келинаётган синтетик толаларга қараганда анчагина афзалликларга эга. Унинг сифати ва турига қараб ҳар бир килограммидан 8-20 метр газлама ёки 40-150 метр ғалтак ип тайёрланади.

Ишлаб чиқаришга тола чиқими кўп бўлган навларни жорий этиш ҳисобига ҳам тола етиштириш самарадорлигини ошириш мумкин.

Пахта маҳсулотлари миқдори ва сифатини, умуман қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш тадбирлари орасида юқори сифатли навларни экиш, уларни етиштиришнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш, алмашлаб экишнинг илмий асосланган тартибини тўла жорий этиш етакчи ўрин тутди.

Маълумки, ғўза селекциясининг самарадорлиги уруғчилик ишларини тўғри ташкил этиш билан чамбарчас боғлиқдир. Республикамизда кейинги вақтларда пахта уруғчилигини тартибга солиш масаласида бир қатор қонун ва қарорлар ишлаб чиқилмоқда. Чунки, бу масаланинг ечимини топиш юқори сифатли маҳсулот етиштириш имкониятини беради.

Нав – бу келиб чиқиши бир хил, морфо-биологик ва қимматли хўжалик белгиларини авлодларга қатъий равишда ўтказадиган, муайян муҳит, агротехника тадбирлари таъсирида ўзгариш хусусиятларига эга бўлган ҳамда маълум даражада иқтисодий самара бераоладиган экинлар туридир.

Ғўза навлари тезпишар, серҳосил, тола чиқими юқори, унинг тола сифати яхши, чигити ёғ ва оқсил моддаларига бой, ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига (тупроқнинг шўрланиши, паст ҳарорат, гармсел, қурғоқчилик ва бошқалар), касаллик ва зараркундаларга чидамли, агротехника муҳитидан самарали фойдаланадиган, қатор ораларини ишлашни механизациялашга, машина теримига мослашган ҳамда бошқа қимматли хўжалик белгилар ва хусусиятларга эга бўлиши керак.

1.2. Ғўза навларининг алмашинишини етиштириш технологиясига таъсири

Фарғона водийси, Зарафшон, Хоразм, Амударё сохиллари, Мурғоб ва Тежен воҳаларида “ғўза” деб аталган Осиё ғўзаси эрамиздан олдинги даврларда экилиб келинган ва сўнгги асрларгача ҳам етиштирилган. Ғўзанинг тури кўп бўлиб, тезпишарлиги ва қурғоқчиликка чидамлилиги билан ажралиб турар, лекин ҳосилдорлиги паст, кўсаклари майда (2,5-3,5 г),

яхши очилмас ёки умуман бужмайиб қолар, толаси қисқа (18,0-25,0 мм) чиқими анча паст (23,0-27,0 фоиз) бўлар эди. Шунинг учун ҳам унинг толаси асосан маиший эҳтиёжлар учун ишлатилган, ундан хунармандчилик йўли билан буюмлар тайёрланган, фақат бироз қисмидангина паст номерли калавалар ишланган.

Ривож топаётган қайта ишлаш саноати бу пахта толасининг сифати пастлиги туфайли хом-ашё билан етарли даражада таъминланмади. Шу сабабли, ғўзанинг ўрта ва ўзун толали Америка навлари билан алмаштиришга бир неча бор уриниб кўрилди.

Биринчи марта 1870 йилда Америкадан ғўзанинг “Си-Айленд” нави келтирилди. У кечпишар бўлгани, Ўрта Осиёнинг иқлим шароитига мос келмаганлиги сабабли бу уриниш беҳуда кетди. 1878 йили яна “Кинг”, “Руссель”, “Кливленд” ва бошқа навлар келтирилиб, биринчи экилган йилнинг ўзида яхши натижалар берди. 1884 йилда Тошкент яқинида 300 таноб ерга Америка навлари экилди. Маҳаллий ғўзаларни Америка навлари билан алмаштириш ишлари ўша пайтдан бошланиб 1928 йилга қадар давом эттирилди.

Бу навларнинг серҳосиллиги, кўсакларининг нисбатан йириклиги ва яхши очилиши, толасининг ўзунлиги ҳамда ингичкалиги, тола чиқимининг юқорилиги нав алмаштиришнинг зарур эканлигига деҳқонларда ишонч ҳосил қилди. “Кинг”, “Кливленд”, “Руссель” ва бошқа навлар Туркистонга кўп мартаба келтирилди, аммо уруғчилик назорати етарли даражада бўлмаганлиги сабабли чигитлари бошқа навлар билан аралашиб кетди. Бироқ, тажриба участкалари ва станцияларида улар тоза ҳолида бирмунча сақланиб қолди.

Келтирилган навларнинг маҳаллий тупроқ-иқлим шароитларида механик-биологик аралашувлари асосида пайдо бўлган шакллар орасидан тезпишар ва серҳосилларини танлаб олиш натижасида айрим худудларда “Завод аралашмаси” деб номланган маҳаллий навлар шакллана бошлади. Бу маҳаллий навлар тезпишарлиги, кўсакларининг йириклиги, тола чиқими ва

бошқа белгилари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилди. 1910-1914 йилларда “Завод аралашмаси”нинг Чимбой, Тошкент, Бухоро, Асака ва бошқа хиллари дунёга келди. Бу навлар анча тезпишар бўлиб, ҳосилдорлиги ғўзаникидан 5-10 фоиз ортиқ эди.

Агротехника масалаларини ишлаб чиқиш ҳамда хорижий навлардан энг яхшилари танилаб олиш ишларини йўлга қўйиш мақсадида Туркистон кишлоқ хўжалик тажриба станцияси (ҳозирги Р.Р.Шредер номидаги боғдорчилик, ўзумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси) ташкил этилди (1888 йил). Кейинчалик (1899 й) Андижон ва Мирзачўл кишлоқ хўжалик тажриба даласи (1912-1913 йилларда тажриба станциясига айлантирилди) вужудга келди. Лекин, улар ғўзанинг нав таркибига сезиларли ўзгартириш кирита олмадилар.

Мамлакатимизда ғўза устида олиб борилган илмий асосланган селекция ишлари 1909-1910 йилларда бошланди. Шу пайтда Р.Р.Шредер Туркистон тажриба станциясида, М.М.Бушуев ва Г.С.Зайцевлар Мирзачўл, Е.Л.Навроцкий Андижон тажриба станцияларида яқка тартибда танлаш йўли билан Ватанимиз ғўза навлари устида селекция ишларини бошлаб юбордилар.

1914-1915 йилларда дастлабки маҳаллий ғўза навлари етиштирилди. Туркистон тажриба станциясида “Кинг” навидан танлаб олинган тезпишар ашёдан Г.С.Зайцев (1920 йилда) “1306-Шредер” навини яратди; Андижон тажриба станциясида “Руссель” навидан “Навроцкий” нави (дастлаб бу навга “Русский” деб ном берилган эди, кейинчалик вафот этган муаллифнинг хотираси учун унга “Навроцкий” номи берилди) яратилди; Мирзачўл тажриба станциясида Тошкент завод аралашмасидан “169-Дехқон”, маҳаллий нав “Кўк чигит”дан эса “182-Оқ Жўра” нави яратилди. Бу навлар завод аралашмасига қараганда серҳосиллиги, тезпишарлиги, кўсакларининг йириклиги, толасининг яхши хусусиятлари ва юқори тола чиқимига эгаллиги билан фарқ қилар эди. Лекин, ғўза уруғчилиги ишларининг ташкил этилмаганлиги бу навларнинг кенг тарқалишига тўсиқ бўлди.

1913 йилда Пахталик Кўлда (Наманган шаҳри ёнида) Фарғона селекция станцияси ташкил этилди. Унда ғўза селекцияси ва уруғчилиги устида иш бошлаб юборилди. Бутуниттифок халқ хўжалиги кенгашининг Бош пахтачилик кўмитаси томонидан Фарғона селекция станцияси асосида 1922 йилда Туркистон селекция станцияси (ҳозирда Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти) ташкил қилинди. Ўрта Осиёда ғўза селекцияси ва уруғчилиги ишлари устида илмий ишлар олиб бориш ушбу станция зиммасига юклатилди.

Шундан кейин нисбатан қисқа муддат (1924-1925 йиллар) ичида мазкур станциянинг Фарғона (Пахталик Кўл), Туркменистон (Байрам Али), Хоразм (Урганч), Ашхобод (Ашхобод), Қирғизистон, Фрунзе филиаллари очилиб, кўплаб тажриба станциялари, тажриба далалари, нав синаш участкалари тармоқлари ташкил этилди. Бу тадбирлар биринчи марта илмий асосланган ғўза навларини яратиш ва алмаштириш ишларини ўтказиш имконини берди.

Хар қандай усимликнинг ривожланиши жумладан чигитнинг униб чиқиши ва ривожланиши мураккаб жараёндан иборат. Улар моддалар алмашинуви орқали моддаларнинг ғўза турига сингиши ва тарқалишини ўз ичига олади. Сув фақат усимлик учун озука моддаларни эритиб бериш ва муайян муҳит воситаларигагина эмас балки усимлик ҳаётини жараёнини маромида кетиши учун энг муҳим ва зурур моддалардан бири ҳисобланади. Бир қатор илмий тадқиқотлар натижасида шу нарса аниқландики тупрокнинг намлиги етарли бўлмаса ҳам ошиб кетса ҳам усимлик организмида сувнинг сингиш жараёнлари бўзилади. Бу ҳол кейинчалик фотосинтез, транспирация усимликларнинг нафас олишига усимликларнинг усишига ва етиштириладиган усимликнинг ҳосил сифатига ҳам салбий таъсир қилади. (Баталов ва бошқалар 2003 йил)

II-боб. ТАДҚИҚОТЛАРНИ БАЖАРАДИГАН ШАРОИТИ ВА УСЛУБЛАРИ

II.1. Тажриба олиб борадиган ҳудуднинг тупроқ ва иқлим шароитлари.

Ўзбекистон Республикасининг жанубий қисмида 40⁰ шимолий кенликда 64⁰ жанубий узқликда, денгиз сатхидан 85-300 метр баландликда жойлашган Бухоро воҳаси тупроқларининг механик таркиби енгил тупроқ қавати билан биргаликда кум қавати билан биргаликда кум ва кумок, оғир соз тупроқлардан иборатдир. Вилоят тупроғи кучли, урта ва енгил шурланган бўлиб, асосан тупроқ қатламининг 30-40 см чуқурлигида тўз миқдори кўп бўлади. Қолган қатламларда тўзлар кам миқдорда ташкил этади. Тупроқдаги шурланиш деярли сульфат тўзларини ташкил этган ҳолда, чуқинди, қаттиқ қолдиқлар миқдорининг 50-80 % ини, хлорид тўзлари эса анча кам миқдорини ташкил қилади. Бухоро вилояти жугрофик жойлашиши жиҳатидан ярим саҳро ҳудудига кириб, Орол денгизига яқин жойлашган. Бугунги кунда Орол денгизининг ўзлуксиз антропоген таъсиротларига учраб, унинг ягона жугрофик объект сифатида сақланиб қолиш масаласи кундаланг бўлиб турибди.

Орол денгизининг тезлик билан қуриши ва сугоришга олинган сувнинг қайтарилмаслиги ва денгизга сувнинг бориб қуйилиши кескин қамайиши натижасида сув сатхи пасайиб кетиб, сув таркибидаги тўзларнинг ортишиги сабаб бўлмоқда. Охириги йилларда сугоришга олинган сувларнинг денгизга қайтмаслиги, зовур тармоқларининг ишлаш фаолиятини ёмонлашуви дельтани сувлаштириш вазияти оғирлашаётганлигидан, ката-катта майдонларда денгиз тубининг очилиб қолиш ҳолатлари кўзатишмоқда. Натижада, Орол бўйида жойлашган ҳудудларнинг тупроқ иқлим шароитларини ўзгаришига ва сунг йиллардаги глобал исишларни вужудга келиши, бизнинг фикримизча, бевосита Орол денгизининг қуришидан деб ҳисоблаймиз.

Куп йиллик маълумотларга кура, ёгингарчилик миқдори вилоятимизда 137,2 мм ни ташкил этиб, 60 % ёгин сочин миқдори асосан январь-парель ойларига тугри келади. Ер устидан сувнинг бугланиши эса йил давомида хар бир гектар майдондан 1700 мм атрофида булади.

Бухоро вилоятининг иклими кескин континентал булиб, киши курук аёзли совуқлардан, ёзи эса ута курук-иссик гармселлардан иборат. Деярли йил давомида кескин шамоллар эсиб, унинг қарийиб 60 % и 16-20 м/сек тезликда, 15% и эса 10-16 м/сек тезликда эсади. Июль, август ойларида юкори даражадаги иссик шамоллар эсиб, гармселга айланади.

Бухоро метерология расадхонасидан 2008-2009 йиллар учун олинган об-хаво маълумотларини тахлил этадиган булсак 2009-йил январ ойининг уртача хаво харорати 2,7 даражани ташкил этиб, куп йилликка нисбатан 2,6 даража илик келди. Пастки хаво харорати -6,0 даражани ташкил этган холда куп йилликка нисбатан илик келди. Юкори хаво харорати июл ойида 41 даражадан иборат булиб, 2008 йилга нисбатан 3 даража ва куп йилликка нисбатан 5,2 0 С паст даражани ташкил этди. Шунингдек, шу ойда ёккан ёгингарчилик миқдори хар йилгига Караганда Ушбу бахор ойларида 94мм ни ташкил этди. Утган баъзи бир йилларнинг йиллик ёгингарчилик миқдоридан хам луп булди. Айти экиш мавсумида (март-май ойларида 94 мм) ёгингарчиликнинг меъёридан ортик ёгиши ва салкин келиши хисобига, бу йилги шароитга чигит экиш мавсуми кайта бўзиш экишлар эвазига узок муддатга қолиб, унинг чиқиш учун имконият яратилмади, натижада кайта бўзиб экишлар бир неча мартаба булди.

Июнь, июль, август ойларида хам хаво харорати 2008 йилга нисбатан паст булиб, усимлик ўзининг усиш ва ривожланиш жараёнида керакли самарали хароратни йига олмаслиги оқибатида, утган йилларга нисбатан кусакларнинг очилиши 15-20 кунга кечикди.

Жорий йилда сентябрь ойининг уртача хаво харорати $21,3^{\circ}\text{C}$ дан ,пастки хаво харорати 11°C юкори хаво харорати 35°C дан иборат булди.

II.2. Тадқиқот услублари ва методлари.

Бу тажрибани ўтказишдан мақсад ишлаб чиқаришга вегетатив йул билан купаядиган пахтанинг “Бухор-8” навини Бухоро вилояти шароитида купайтириб, буларда ўстириладиган ғўзанинг янги интенсив навларини кучатзорда ўрганиб тўғри келадиган вегетатив агротехникаларни ҳамда навларни танлаб ишлаб чиқаришга тавсия этиш. Илмий изланиш масалаларига танланган мавзу буйича куйидаги вегетатив ғўза навлари киради. Булар ғўза навларни экиш схемалари, уларни ўсиши ҳамда ривожланиши ва илдиз бериш хусусиятлари ўрганилади. Кучатзорни биринчи даласига эса ғўзани янги навларини бу навларни Бухоро-8, иккинчи даласида бухоро-102 навини экиб уларни агротехикасини, озиклантиришни, сугоришни ва зараркунандаларга қарши кураш чора тадбирларини ўрганилиб ишлаб чиқаришга тавсия қилиб етиштиришни иктисодий самарадорлиги аниқланди.

ТАДҚИКОТНИ БАЖАРИШ ШАРОИТИ.

1-жадвалда хаво хароратининг 2010-2011 йилги уртача ойлик курсаткичлари берилган ва бу жадвалда куп йиллик хаво харорати шуни курсатдики, энг юкориги температура июл ойида кузатилган ва $26, 27^{\circ}\text{C}$ ни ташкил қилган. Энг совук температура эса январ ойида булган ва уртача 2°C ни ташкил қилинганлиги маълум булган.

1-жадвал.

**Хаво хароратининг 2010-2011 йилги уртача ойлик курсаткичлари
(Бухоро метеостанциясининг маълумотлари)**

Йиллар	Хароратнинг ойлар бўйича кўрсаткичлари (С ⁰) йиллар, ўртача суткалик (С ⁰)											
	Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июнь	Июль	Август	сентябр	Октябр	Ноябрь	Декабр
2010	3,1	5,0	10,6	12,5	20,8	24,9	25,8	25,9	19,2	9,8	7,5	7,8
2011	2,0	2,1	8,5	16,4	19,4	26,5	27,8	24,2	20,6	13,8	11,4	6,9
Куп Йил.	0,2	3,1	7,0	14,4	20,6	25,1	26,1	24,7	19,4	13,3	6,8	2,0

2010-2011 йилги егингарчиликни уртача ойлик микдори 2-жадвалда ҳамда жадвалда курсатилгандек энг куп егингарчилик микдори куп йиллик маълумотларга кура март ва апрел ойларида кузатилган, лекин энг кам микдорда «О» даражада егингарчилик июн ва июл ойларида булган

2-жадвал.

2010-2011 йилги ёгингарчиликни ўртача ойлик микдори (Бухоро).

Йиллар	Ойлар бўйича ёгингарчилик (ММ)											
	Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июнь	Июль	Август	сентябр	Октябр	Ноябрь	Декабр
2010	56,4	50,5	64,6	52,8	32,7	0	0,4	0	9,3	37,4	34,4	62,6
2011	70,2	55,4	79,9	51,9	38,4	0	0	0	6,3	20,4	26,6	50,0
Куп йил.	55,0	56,5	84,9	70,5	36,0	0	0,7	0	33,3	14,3	51,4	64,1

Хавонинг нисбий намлиги эса энг юкори куп йиллик курсаткичларга кура 3-жадвалда курсатилгандек декабр ва январ ойларида булган ва 67-69 % ни ташкил килган. Энг кам хавонинг нисбий намлиги ез ойларида кузатилган булиб июн ва июлда 41 % булганлиги маълум.

3-жадвал.

**Хавонинг 2010-2011 йиллардаги уртача ойлик нисбий намлиги.
(Бухоро метеостанциясининг маълумоти).**

Йиллар	Ойлар бўйича ойлик кўрсаткич %											
	Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июнь	Июль	Август	сентябр	Октябр	Ноябрь	Декабр
2010	58	61	73	68	47	43	52	50	57	71	68	62
2011	74	68	6	65	54	40	48	55	58	54	55	65
Куп йил	69	63	62	59	50	41	41	44	45	53	61	67

Вўза кучатзоридаги минерал элементларнинг микдори узгариши тупрокнинг юкориги сатхи микдори 0,48-1,3% атрофида узгариб турадиган ва азотнинг умумий микдори 0,03-0,15% ни ташкил этадиган органик моддаларнинг (чириндининг) бирмунча тупланиши билан ажралиб туради. Чириндининг микдори тупрок сатхидан аста-секин камайиб боради, лекин 80-100 см булган катта чукурликдаги сатхида 0,48 % гача пайдо булади. Азот минерали деярли факат нитратлар кошида мавжуд булиб, микдори тупрокни юкориги сатхларда вактига караб 1 кг тупрокка 7-9 дан 30-35 мг гача узгариб туради.

4-жадвал. Тажриба олиб борилган майдонни агрохимевий ҳолати.

N (азот) P(фосфор) K(калий)							
Горизонт	Гумус%	Умумий %	Нитратли 1 кг тупроққа мг	Умумий %	1 кг тупроққв мг	Умумий %	Алмаштирил ганда 1 кг
0,20	1,30	0,15	14,5	0,28	29,0	2,63	220,8
20-40	0,83	0,09	8,8	0,28	16,3	1,95	188,5
40-60	0,85	0,09	0,1	0,18	10,2	1,86	15,5
60-80	0-50	0,06	0,6	0,17	8,8	1,6	142,9
80-100	0,48	0,03	0,7	0,14	2,4	1,58	108,4
0-100	0,79	0,08	6,2	0,21	13,3	2,00	163,2
см лик катлам							

ТАЖРИБА МАЙДОНЧАСИНИ АГРОТЕХНИКАСИ.

Вўза кучатзори. Утмишдошдагилари сабзаот экинлари. Тупроқни тайерлаш ва органно-минерал уғитлар бериш меъери «Ўзбекистон Республикасидаги пахтачилик буйича агрокурсатма» методикасига мувофик амалга оширилади.

Ўғитлар май, июн ва июл ойларида тажриба вариантлари буйича солинди. Вўза кўчатлари 10 апрелдан 15 апрелгача экилди. Хисобот даврида 4-5 марта сув берилди, хар бир сугоришдан кейин бир пайтнинг узида бегона

Ўтлардан тозалаб уток килиш билан бирга ерни юмшатиш, чопиш амалга оширилади.

II.3. Ғўзанинг ривожланиш биологияси ва етиштириш технологияси.

Ғўзани «Бухоро- 8» навини етиштиришда кулланиладиган агротехник чора-тадбирлар.

Тажрибада утказилган чора-тадбирлар мажмуаси у-ёки бу агротехник тадбирларнинг самарадорлигини шу шароитда кулланилаётган умумий агротехника даражасига боғлиқ булади. Шу боис мазкур масалага бир оз тухталиб утмоқчимиз. Тажрибада ҳар йили кўзда дала ғўзапоя колдикларидан тозаланиб , маъданли угитлар солингач ,сифатли килиб кўзги шудгор утказилади. Шудгорлаш икки ярусли ПЯ-3-35 маркали омочда 25-30 см чуқурликда утказилади: Кўзги шудгорлаш биринчидан ,вегитация давомида зичланиб котиб қолган хайдалма қатлам тупрогини аъло ва сифатли килиб юмшатиб, унинг узоқланишини таъминлаши ва донадор ҳолга келтирилиши, 2-чидан ,ёввойи ут ёки уларнинг колдиклари уруглари хашарот тухумлари касаллик тарқатувчи инфекцияларни тупроқ билан аралаштириб тагига тушириб юборади. Кўзги шудгор қанчалик эрта ва сифатли утказилса, қишда яхши дам олиб , тупроги майин ҳолатга келиб туради.

Эрта баҳорда ер чизеллаш ,бароналаш ва текислаш агротадбирлари утказиб булиб экишга тайёрланади. Чигит экиш олдидан кимёвий моддалар билан дорилаб зарарсизлантирилади. Чигитни доилаш Пу-1 маркали машина ёрдамида амалга оширилади.

Агротехник тадбирлар рўйхати.

№	Дала ишлари	1	2	3	4	5	6
1	Кўзги шудгор	25.XII					
2	Бароналаш текислаш	9.IV					
3	Чигит экиш	11.IV					
4	Культивация	4.V	30.V	3.V	14.VII		
5	Озиклантириш	18.V	14.VI 2006	12.VII			
6	Ягоналаш	15-17 V.					
7	Чопик	10-15 V	12- 14 VI	10-11 VII			
8	Сугориш 70-70- 60 65-65-60	27.IV 27.VI	23- 24.V 23- 24.V	20- 21.VI 25- 26.VI	12- 13.VII 23- 24.VII	23.VIII 15- 16.VIII	11- 12.IX
9	Чеканка	20- 22.VIII					
10	Хосил йигиш	5.IX	30.IX	15.X			
11	Ерни хайдаш	30.X					

Ѓўзани катор оралигига ишлов бериш.Бу агротехник тадбирни ниҳол каторлари аниқ булганда бошлаш керак Биринчи ишлов бериш учун катор оралари 60 см кенгликда экилган булса ниҳолларни ёшлигини эътиборга олиб культиваторларнинг ғўзага яқин қисмини ҳар икки томонига К.К.О. ишчи органини усимликдан 5-6 см узоқликда ва шунча чуқурликда ундан кейин икки ёнига норальникни 8-10 см чуқурликда қилиб , жуяк уртасига тупрок юмшатгич ва 14-15 см чуқурликда ишлов берадиган гозпанжа урнатилгандагина сифатли ишлов таъминланади.

Агар ғўза майдони бегона ут босган булса, икки четга урнатилган К.К.О. лар урнига пичокларни урнатиш керак.

Чигит 90 см кенгликда экилган булса , ҳар бир эгат ичига ишлов бериш учун иккита К.К.О. 4 та норальник , уртача 1 та тупрок юмшатгич ва гозпанжа урнатилади.

Ѓўза катор ораларига 2-ишлов беришда культиватор ишчи қисмлари биринчи ишловдагига караганда 3-4 см чуқурликда ишлов берадиган қилиб урнатилади.Факат ғўза яқинида ишлов берадиган К.К.О. ларни 2 см га чуқурлаштирилади.

Тупрок ва иқлим шароитига қараб 1 – ва 2- ишловдан кейин катор оралари махсус ясалган чизел-культиватор ёрдамида 25-30 см чуқурликда 1 марта лозим топилса майдонларга 2 марта юмшатилиши шарт.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки ,ғўзани «Бухоро-6» ва «Бухоро-8» навларини илмий асосланган парвариш технология буйича етиштирилса 55-65 ц/га ҳосил имконияти пайдо булади.

Ѓўзанинг «Бухоро-8» навини яғоналаш.«Бухоро-102» ғўза нави 1,5-2 тип шохланишга эга булганлиги сабабли бошқа навларга нисбатан бу навда гектарига қучат сони қамрок «Бухоро-8» ғўза нави эса 2-3 тип шохланишга эга булишига қарамасдан баргланиши қам булганлиги туфайли «Бухоро-6»

ғўза навига нисбатан гектарига 10 % гача кучат сони купрок колдирилиши мақсадга мувофиқдир.

Ягоналаш тадбирини мумкин қадар қисқа муддатларга ,яъни усимликда 1-2 чинбарг пайдо бўлганда биринчи култивациядан кейин 1 марта утишдаёқ амалга оширишни тавсия этамиз.

Тупрок унумдорлигига қараб колдирилган кучат миқдори табақалаштирилиши ,яъни тафовутли булиши лозим .ягоналашда нимжон кейин униб чиққанлари юлиб ташланади.

Озиклантириш тизими.Кизилтепа туман фермер хужаликларида селекцияси ва уруғчилиги бўлими селекцион хосилдорликни оширишда бу усулни қўллаб яхши самара олинмоқда.

Уғитни аралашма ҳолида (селитрани аммафос ёки калий тўзи билан) ишлатиш айна муддатдир.Эритма ҳолатида озиклантириш меъёрлари:сугоришларда гектарина 100 кг селитрага 50-100 кг атрофида аммафос ёки 30-50 кг (физик ҳолда) атрофида калий тўзи аралашмаси сифатида ишлатишни тавсия қиламиз.

Уғитни эритма ҳолатида ерга киритиш мўлқилар усулидагига нисбатан 2-3 мартагача самаралироқ эканлигини алоҳида таъкидлаймиз,чунки эритма ҳолатидаги уғит усимлик атрофидагига 100 % илдиизига 1 кеча соат ичида бориб етади.Бунда уғитни ўзлаштириш 80-90 % гача етиши мумкин.

Эритма ҳолатида озиклантиришда уғит аралашмасини синтетик ёки қаноп қопларга жойлаб,оғзини боғлаб сув таралаётган беш дахананинг оқимига қопни ётқизиб,юқори ёки пастки томонини ёнлатиб ташланади.Қопнинг бир чети сув оқимига тегиб туриши шарт.Қоп вақти-вақти билан кўзгатиб турилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Биринчи ,баъзи парваришларда 2- сугоришдан бошлаб уғитларни ҳам меъёрида гектарига ҳар сафар селитрани юз кг дан ошмаган ҳолда

аммофосни 50-100 кг ёки калий тўзидан 50-60 кг дан ошмаган ҳолда ишлатиш яхши самара беради.

Минерал угитлар аралашмасини эритма ҳолатида ерга киритишни ,асосан сугориш давомийлигининг 2-ярмида бошлаш мақсадга мувофиқдир.Шундай қилганда эритма асосан тупроқнинг илдиз системаси жойлашаган қатламида тарқалади.

**«Бухоро-8» ғўза навида минерал угитларни йиллик меъёрининг
таксимланиши**

Угитларнинг берилиш муддати	Соф ҳолда кг/га			Физик ҳолда кг/га			Ҳоиз ҳисобида		
	N	P	K	N	P	K	N	P	K
Угитларнинг йиллик меъёри	250	175	100	600	400	200	100	100	100
Шудгорлаш олдида	-	85	75	-	200	100	-	50	50
Экин билан бирга	50	45	-	180	100	-	30	25	-
Шоналашнинг бошланиш даври	85	-	50	210	-	100	35	-	50
Гуллашнинг бошланиш даври	85	45	-	210	100	-	35	25	-

II.4. Ёўзанинг етиштириш технологиясини ривожлантиришда илмий тадќикот ишларини олиб бориш.

2.2. Ёўзани «Бухоро-8» навини ботаник ва биологик хусусиятлари.

Навнинг етиштириш агротехникаси умуман ёўза учун кулланиладиган умумий агротехника асосида утказилади.

«Бухоро-8» ёўза нави чигитнинг экишнинг кулай муддати Бухоро вохасида 5-15 апрель. Андижон вилояти хужаликларидаги кўзатилган тажрибаларга кура ушбу худудларда чигитни плёнка остида 1 апрелгача булган муддатларда экиш янада ижобий натижа беради.

Кучатларни жойлаштириш схемаси: А) 60x20-1, Б) 90x12-1

2.3. Угитлаш тупрокнинг агрохимёвий картограммаси асосида утказилади. угитлашнинг макбул меъёри соф холда гектарига N-250, P-175, K-100 кг ёки физик холда гектарига аммиакли селитра -600 кг, аммофос-400 кг, калий хлор – 200 кг. Угитларнинг йиллик меъёри куйидаги тартибда тайёрланади.

Угитларнинг берилиш муддати	Соф холда Кг/га			Физик холда Кг/га			Фоииз хисобида		
	N	P	K	N	P	K	N	P	K
Угитларнинг йиллик меъёри	250	175	100	600	400	200	100	100	100
Шудгорлаш олдида	-	85	50	-	200	100	-	50	50
Экин билан бирга	80	45	-	180	100	-	30	25	-
Шоналашнинг бошланиш даври	85	-	50	210	-	100	35	-	50
Гуллашнинг бошланиш даврида	85	45	-	210	100	-	35	25	-

Шудгорлаш олдидан фосфорли ва калийли угитларнинг 50 % берилгани маъкул.(Кишда тупрокнинг шур ювиладиган ерларда угитларнинг бу микдори ерни экишга тайёрлашда чизеллаш пайтида берилади).

Экиш билан бирга азотли угитларнинг 30 % и , фосфорли угитларнинг 25 фоизи ,шоналаш даврида азотли угитларнинг 35 % и ,калийли угитларнинг 50 %и,гуллаш даврида азотли угитларнинг 35 % и,форфорли угитларнинг колган 25 %и куллаш мақсадга мувофикдир.

Охирги угитлашни 10-июлдан кечиктирмай тугаллаш зарур.угитлаш юкорида курсатилган меъёрлар ва тартибларда утказилганда кутилаётган самарага эришилади ва мул пахта хосили етиштириш имконияти яратилади.

Сугориш режими енгил тупрокларда 1-4-1 уртача тупрокларда 1-3-1 огир тупрокларда 0-3-1 тизимида булади.

Сугориш меъёри тупрок ва иклим шароитига караб гектарига 800-1200 м³ умумий сув сарфи эса 4000-4800 м³ ни ташкил килади.

Ўзани чилпиш 13-14 та хосил шохи пайдо булганда утказилиши мақсадга мувофик .Чилпиш муддати 15-20 июль оралигида булиб, шу даврга кадар талаб этиладиган хосил шохларини пайдо булишиги эришмок керак.\

Дефолиацияни хосилнинг 50 % и пишиб етишганда утказиш маъкул хисобланади.

Пахта хосилини машинада теришни хосилни 75-80 % и очилиб 80-85 % и барглари тукилганда утказиш тавсия этилади.

Тупрок унумдорлиги ва хосилдорликни янада ошириш учун беда – пахта-дон алмашлаб экиш тизимларидан самарали фойдаланиш,ерни шудгорлашдан олдин махаллий угитлар киритиш керак.

4,1 г тебраниш амплитудаси эса 18,1 % ораликда булади.Умуман бу курсатгич ушбу дурагаймизда 3,1 дан 5,6 г гача ораликда булади.Агар унинг реципрок холатига яън и F-1(088448 хС-4727) дурагайига эътибор берсак

битта кусак вазнининг бирмунча кам булганлиги яъни,3,7 г гача тенглиги ,дурагайида бу курсатгич 3 г дан 4,6 г гача тебраниш амплитудаси эса 14 % ораликда кўзатилади.

Сугориш тизими.«Бухоро-8» ғўза нави ўзининг биологик ва морфологик тўзилишига кура бошканавларга нисбатан сугоришга кечикиброк келади ва баъзи навларга караганда умумий сув сарфини кам талаб килади,яъни хар сугоришдаги сув сарфи камайиб сугоришлар сони 1 мартага купайгани маъкул,албатта усимликнинг сувга келиши яъни ғўзани качон сугориш тупрок иклим шароитига ёгингарчилик /,об-хавонингт кай даражада келишига боглик булади.Баргининг тук яшил ранги тиник булиши сувга келмаганлигини курсатади.Биринчи сугориш муддатини аниклашнинг энг осонва синалган усули даланинг четки 4 та жуякларини сугориб , 1 кеча утгандан кейин 2 –куннинг эрталабида кўзатилади.Агар нихоллар холати бир кечада ижобий томонга ўзгарса сугоришни бошлаш керак булади.Вилоятнинг чулли туманларида чигит пуштага экилган майдонларга,усимлик ёппасига шоналаганда ,айрим холатларда ғўзада гуллаш бошланганда 1-сугоришни утказиш лозим.1-сувда хар иккала навга хам гектарига 800-900 м³ сув сарфланишини тавися этамиз.

Унумдор огир тупрокли майдонларда 1000-1100 м³ урта унумдор тупрокли майдонларда 900-1000 м³ хисобидаги сув сарфи меъёрий сугориш хисобланади.

Ғўзани гуллаш ва хосил туғиш даврида картани тез сувдан чиқариш максатида энгил тупрокларда гектарига 800-900 м³ хисобидан сугориш ижобий натижа беради.Ғўзани усув даврида «Бухоро-6» нави учун сугориш давомийлиги 1-сувда 16-18 соат давом этса кейинги сугоришларда 22-24 соатдан ошмаслиги лозим .

«Бухоро-8» ғўза навида 1-сугориш 16-18 соат давом этса кейинги сугоришларда 18-20 соатдан ошмаслиги керак.

Кум ва енгил тупрокларда эса шароитига караб сугориш даври 10-12 ёки 14-16 соатгача давом этиши мумкин. Унумдор огир тупрокли сизот сувлари 2,5-3,5 м ва ундан чуқур жойлашган майдонларда 4-5 марта сугориш сизот сувлари 2-3 метр чуқурликда булган карталарда 3-4 марта утказиш лозим, унумдорлиги пас т енгил кум ва кумок ерларда сугоришлар сони оширилади. Агар ғўзани усув амал даврида 3-4 марта сугориш белгиланган булса бундай ҳолатда 1-сугоришни усимликда гуллаш бошланиши билан , 5 марта сугориш режалаштирилганда эса шоналаш бошланганда енгил сув меъёри билан сугориш яхши самра беради.

Усув давридаги сугоришларда бошқа адабиётларда ёзилмаган лекин риоя қилиши лозим булган ниҳоятда муҳим битта қоидага риоя қилишни эслатиб ўтиш зарурдир яъни сугоришлар орасидаги кунлар сони 2-3 кунга камайиб бориши охириги сув оралиги эса 3-5 кунга ўзайиши айтилган. Бу қоида янада тушунаридир.

II.5. Ғўзанинг етиштириш технологиясини ривожлантиришда селекция ишларини олиб бориш.

«Бухоро -8» ғўза нави Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институти (ЎзПИТИ) Бухоро филиалида Л-4380 х Л-7097 + Бухоро-6 навларини чатиштиришдан олинган дурагай популяцияларидан белгилли йуналишда куп йиллар давомида танлаш йули билан яратилган.

Чатиштириш ишлари 1985 йилда утказилган булиб, 1994 йилда тургун усимлик (константа) танланган. 1997 йил -1999 йилларда танлов нав синовида синалган. 2000 йилда Давлат Нав синаш комиссиясига тақдим этилган. Муаллифлар С.Р. Баталов ва бошқалар.

Морфологик белгилари. Хиризитум турига мансуб. Ғўзанинг буйи 100-110 см , пирамида шаклида усади, уртача тукланган, усув шохи 1-2 та 5-6 бугиндан 1-хосил шохини чиқаради. Хосил шохлари 1,5-2 типда шохлайди. Даладаги олиб борилаётган агротехника шароитига караб, ҳамда

сугоришлар таъсирида пастки хосил шохларида бугин ораси тавсияга курсатилганга нисбатан кенгрок ҳам булиши мумкин,ғўза бутасининг юкори кисмидаги хосил шохларида эса , аксинча бугин ораси кискарок булиши мумкин.Барглари уртача катталиқда, 3-5 булакчали , яшил рангда гултож барглари ва чангдонлари саргиш рангда.Гул ён барглари уртача катталиқда,9-12-тишли.Кусаклари йирик,тухумсимон,думалок шаклда киска бурунчали,учи сал кайрилган.Чигити уртача даржада тукланган.

Биологик ва хужалик белгилари.«Бухоро-8» ғўза нави урта пишар навлар гурухига киради.115-124 кунда хосили пишади. Бухоро вилоятидаги Давлат нав синаш шаҳобчаларида 2000-2004 йилларда 41-50 ц/га хосил олинган.2004 йилда Гиждувон нав синаш участкасида утказилган хужалик синовида 43,7 ц/га хосил олинган. Шу йили Когон туман Бустон ширкат хужалигида 460 га майдонга ушбу нав экилиб,34,5 ц/га хосил олинди,йиллик режа 114 % га бажарилди. Когон туманидаги ушбу нав экилган фермер хужаликларида ҳам ижобий натижалар олинди.Жумладан «Санжар» номли фермер хужалигида 56,4 ц/га пахта хосили олинди.

Андижон вилояти хужаликларида 884 га майдонга экилган «Бухоро-8» навидан 33,3 ц/га хосил олинган ёки шу нав буйича пахта тайёрлаш йиллик режаси 111,14 % га бажарилган. Навнинг кусаклари тез суратлар билан яхши очилади,пахтаси тукилиб кетмайди.Толаси ок рангли.Бир кусак пахтасининг огирлиги 7-8 гр ,ўзунлиги 33-34 мм ,тола чикиши 37-38 % .1000 дона чигитининг огирлиги 123-130 гр.

Толасининг технологик сифати.Толасининг метрик номери 6004.Тола пишиклиги 4.5 гс.Нисбий ўзулиш огирлиги 27,0 гс/текис.Тола типи IV,Микронейри 4,3-4,4.

Толанинг Бухоро вилояти «Сифат» лабораториясида килинган тахлиллари .

Міхс (Микронейр)- 4,3-4,4

Str (Солиштирма ўзилиш кучи) – 30,3-29,6

Len(Тола ўзунлиги,дюм)-1,15-1,20

Unf (Ўзунлик буйича бир хиллик индекси %)- 83,9-84,6

Sfi (Калта толалар индекси %) – 4-3,5

Elg (Ўзулишдаги ўзайиш %) – 5,5-4,8

T-(ноталавий аралашмалар) -2- 2,5

Cnt-(ифлос аралашмалар сони) -2-4

Area (ифлос аралашмалар майдони) – 0,2- 0,2

GG (Америка стандарти буйича сорт класс) – 11-2-21-1

RD (нур кайтариш коэффиценти %) – 81,8-82,1

B (саргишлик даражаси) -8,4-8,6

Код – 37-38

Тип- 4-3

Вўза касалликлари ва зараркунанда хашоротларга карши чоралар.«Бухоро-8» нави ғўзани сурувчи хашаротларга нисбатан бардошли булганлиги туфайли бу хашаротлар камрок таркалади ва айникса усув даврининг ёзги боскичларида уларнинг зарари жиддий булмайти.Беда кандаласи купайганда бедазорлар якинидаги далаларда бу хашаротларнинг зарари сезиларли даражада булиши мумкин.Кўзги тунлам,кусак курти ва бошка кемирувчи хашоратларнинг купайишига йул куймаслик керак.Айникса кусак куртининг беда кандаласининг таркалиши ва микдори доимий назоратга олиниши лозим булганда тегишли чоралар утказиш зарур.Зарур булган жойларда сурувчи хашоротлар ва ургимчак канага карши олтингугурт –ошак кайнатмаси (И С О) тайёрлаб,у билан бирга ва алохида тартибда минерал угитларнинг бирор турини 1,5-2,5 фоизли сувли эритмаларини ишлатиш яхши фойда беради.Юкорида курсатилган асосан сурувчи хашоротларга карши яхши самара беради.Кемирувчи хашоротларга карши эса биологик воситалардан –трихограмма ,гибробракон,хон кизи ва олтин кўз каби фойдали хашоротларин далага таркатишни 3 мартагача

такрорлаш лозим.Лекин бунгача профилактик тадбирлар утказиб биолобараторияларда мавжуд ғўза майдонларига етадиган микдордаги трихограмма (тухумхур)ва гибробракон(куртхур) нинг захирасини яратиб куйиш лозим.

Ғўзани усув нуктасини чилпиш.«Бухоро-8» ғўза навида юкори хосил олиш учун бугада 14 та хосил шохи яратилиши билан вақтни ўтказмайт чилпиш лозим.Чилпиш таъсирида буга юкорига ўсиш жараёни тухтаб ён томонга яъни хар бир хосил шохининг 3-4-5 булимларида 3-4-5 хосил элементларини тез орада яратилиши ва катталашшига кулай шароит яратилади.Бу жараён аксарият карталарда июль ойининг иккинчи ун кунлигида тугри келади.Шуни унитмаслик керакки гармсел шамоллар эсиб турадиган туманларда чигитни эрта экиб парваришни жадаллаштирилган майдонларда чилпишни биринчи июлларда тугалласа хосил элементларининг тукилиши камаяди хосидорлик ошади.Усув нукталарини чилпишда кимёвий перепаратлардан ПИКС.УСТИКС ва шунга ухшаш чнги перепаратлар кулланилади.

